91299

# САЙЛОВЛАР ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАРИ НАМОЙИШИ БЎЛСИН!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 ноябр шанба

Сотувда эркин нархда
№ 235 (2273)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

## КАРИМОВ Ислом Абдуғаниевич

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент Халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И.Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И.Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра, И. Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди

У оилали, икки нафар фарзанди, учта набираси бор. Рафиқаси Т.А.Каримова – иқтисодчи, илмий ходим.

И. Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан ҳам мукофотланган.

И.Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тўққиз хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Халқимиз истиқлол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И. Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди.

И. Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир:

– Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимизнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир;

– демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир;

– марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;

– халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислоҳотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган;

– Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислоҳотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;

– КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва тазйиқларни авж олдирган йилларда ўзбек номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди;

– халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

– халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишда буюк хизмат қилди;

– одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишига раҳнамолик қилди;

– юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди;

– моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими – Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлиб келмоқда;

– маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

– юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик корхоналарни бунёд этишда, кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз, аввало, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қиёфасининг тубдан ўзгаришида бевосита раҳбарлик қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

## ЖАЛОЛОВ Абдулҳафиз Марахимович

Абдулҳафиз Марахимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. 1964 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бирлашкан қишлоғидаги 14-сон ўрта мактабни, 1969 йилда эса Тошкент давлат университетини фалсафа ихтисослиги бўйича тамомлаган. Файласуф. 1976 йили «Гегель ва Шарқ халқлари фалсафий фикри» мавзуида номзодлик, 1992 йили «Шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва жамиятни инсонийлаштириш муаммолари» мавзуида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори.

1971 йилдан эътиборан (Чегара қўшинлари сафида, Термиз шаҳар заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг) узлуксиз равишда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланади. ТошДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси, ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фалсафа кафедраси мудири, ТошДУ қошидаги олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти фалсафа кафедраси доценти, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори.

Фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Мазкур соҳаларга оид 250 дан зиёд чоп этилган ишлар муаллифи. Улар орасида: «Инсон омили: фалсафа, мафкура, сиёсат» (Т.:1991, рус тилида); «Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура» (Т.:1994); «Мустақиллик масъулияти» (Т.:1996); «Истиқбол уфқлари» (Т.:1998) номли монографиялар бор. Шунингдек, «Ўрта Осиё халқлари фалсафий мероси ва ғоялар кураши» (Т.:1988, рус тилида) мавзуидаги жамоавий монография ҳамда «Фалсафа» (Т.:1999) ўқув қўлланмаси ҳаммуаллифи. Илмий ишлари АҚШ, Буюк Британия, Белорусь, Россия, Ҳиндистон, Қирғизистон, Эстония мамлакатларида чоп этилган. X Халқаро гегелчилар конгресси (Москва, 1974), XX Бутунжаҳон фалсафа конгресси (АҚШ, Бостон, 1998) ва, шунингдек, Тошкент, Деҳли, Москва, Минск, Киев, Таллин, Теҳрон, Волгоград, Екатеринбург каби шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманлар иштирокчиси. Инсон, жамият, халқ, меҳнат, мулк, бозор иқтисодиёти, манфаат, маънавият, фалсафа, эркинлик, ахлоқ, маданият, мустақиллик, сиёсат, мафкура каби кўплаб, ҳамиша мунозаралаб, «абадий» тушунча, муаммоларга янгича талқин беришга ҳаракат қилган. Унинг бевосита раҳбарлигида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланган.

1993-1996 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети қошидаги фалсафа фанлари бўйича докторлик ҳимоясига ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси бўлган. 1996 йилдан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сиёсатшунослик ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш аъзоси, худди шу йил ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш раиси.

1986 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий аппаратига ишга ўтган. Лектор, лекторлар гуруҳи раҳбари, мафкура бўлими мудири муовини лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудири, Марказий Кенгаш иккинчи (1993), сўнг биринчи котиби (1994). 1999 йилнинг октябр ойида Ўз ХДП Марказий Кенгашинниг биринчи котиби этиб қайта сайланган.

1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси (1995).

Оилали, 4 та фарзанди бор.

Кейинги йилларда:

– ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти мамлакат маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларини тадқиқ этувчи, юксак малакали илмий кадрлар тайёрловчи ҳамда илм-фан ютуқларини тарғиб қилувчи нуфузли даргоҳга айланди;

– Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий негизларини мустаҳкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташкилий чоралар амалга оширилмоқда;

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафлари ўсди, унинг ўзи ғоявий-сиёсий жиҳатдан улғайди, ташкилий томондан мустаҳкамланди, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланди;

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат Парламенти — Олий Мажлисда энг йирик фракцияга, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларининг аксарияти таркибида ўз партия депутатлари гуруҳига эга бўлиб, улар халқимиз ҳаётига оид муҳим қонунлар, қарорларни қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашга қаратилган дастурларни рўёбга чиқариш саъй-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар;

– қатор мамлакатларнинг, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқаларнинг сиёсий тажрибаси уларга қилинган ташриф орқали ўрганилди;

– Ўзбекистон ХДПнинг халқаро обрўсини оширишга хорижий мамлакатларга партия вакилларининг ташриф буюриши, чет эл делегацияларини, Ўзбекистондаги элчихоналар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимларини Марказий Кенгаш, партия қуйи тузилмаларида қабул қилиш орқали эришилди;

– буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДПни мамлакатда рўёбга чиқарилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирок этишининг, уни юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда тотувликни сақлашнинг муҳим сиёсий омили бўлишининг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда;

– шулар боис Ўзбекистон ХДП халқимиз барча қатламлари, хусусан, оддий меҳнаткаш, фуқаро эҳтиёжларининг чинакам ифодачиси ва уларни қондириш учун жиддий курашга тайёр сиёсий куч эканлигини барча ватандошларимиз тобора яққол англамоқдалар.

## ЯПОНИЯГА ТАШРИФ

***Япония Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра, Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳайъати 25 ноябрда Японияга ташриф буюрди.***

Японияга ташрифнинг биринчи куни ташқи ишлар вазири А.Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев, молия вазири Р.Азимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломовлардан иборат Ўзбекистон ҳайъати шу мамлакат ҳукумати, вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Ҳукуматда бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов Япония Бош вазири К.Обучига мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг шахсий мактубини топширди. К.Обучи мамлакат раҳбарининг мактубига самимий миннатдорлик билдириб, И.А.Каримовнинг мустақил Ўзбекистон равнақи йўлидаги катта меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Бош вазир Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида Япониянинг муҳим ҳамкори эканини эътироф этиб, кунчиқар мамлакатнинг юртимиз билан турли йўналишларда ҳамкорлик алоқалари тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этди. Бош вазирнинг фикрича, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик катта истиқболларга эга. Япония Бош вазири Президент И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Япониянинг халқаро ташаббусларини, хусусан, Япониянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашинниг доимий аъзолигига номзод этиб кўрсатгани учун ташаккур изҳор этди.

Япония ташқи ишлар вазири Й.Коно билан учрашув давомида Японияниг Франциядаги элчиси Мацуури номзодининг ЮНЕСКО Бош директори лавозимига сайланишида Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ҳайъати, шунингдек, Японияниг халқаро савдо ва саноат вазири Т.Фукая, Япония парламентининг вакиллик палатаси аъзоси, либерал-демократик партияси бюроси бош директори М.Сузики, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти К.Фуджита, Япония Ташқи савдо ташкилоти (Джетро) президенти Й.Саэкилар билан учрашди. Барча учрашувлар самимий ва ишчанлик руҳида ўтди.

Ташрифнинг биринчи куни ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Япония Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш бўйича қўшма ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш ва Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини таъмирлаш бўйича лойиҳаларни молиявий таъминлаш тўғрисида ноталар алмашилди, шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига Япония авиаташиш бозорида қатнашиш ҳуқуқини берувчи Бош агентлик битимига имзо қўйилди.

**«Жаҳон» АА.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Италия Республикаси мудофаа вазири Карло Сконьямильо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов билан учрашди.***

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, дунё хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган халқаро террорчилик, диний экстремизм ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашди. Бундай иллатларга қарши биргаликда курашиш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, мудофаани такомиллаштириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида олий қонун чиқарувчи орган фаолиятининг ўрни катта экани таъкидланди.

Италиялик меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар академияси ва бошқа муассасаларга ҳам ташриф буюрди.

Пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Италия Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида Мудофаа соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

**(ЎзА)**

## ШЎРТАН ГАЗИ — ЖАҲОН БОЗОРИГА





*«Шўртаннефтгаз» жамоаси ўтган ойда 165,5 минг куб метр ўрнига 167,9 минг куб метр табиий газ ишлаб чиқаришга эришди. Шунингдек, истеъмолчиларга бир неча юз минг тонна газ конденсати, нефт ва режадагидан ортиқ суюқ газ етказиб берилди. Ёки иқтисодий жиҳатдан олиб қараганда, бу ойда ўтган ойга нисбатан 242 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси жамоа аҳлининг ҳамжиҳатлик билан қилаётган самарали меҳнатининг натижасидир.*

*Энг муҳими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки бошқа хорижий мамлакатлар ҳам харидор бўлмоқда. Ўтган ўн ой давомида АҚШ, Ирландия, Швеция, Қозоғистон каби мамлакатларга 213,6 минг АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот сотилди.*

*Хуллас, «Шўртаннефтгаз» маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқа бошлади. Бу, албатта, меҳнат жамоасига билдирилган ишонч билан бирга, улар зиммасига жуда катта масъулият юклайди.*

**СУРАТЛАРДА: «Шўртаннефтгаз»нинг умумий кўриниши; бошқарув пульти оператори Р.Тизатулин.**

**М. ШАРОПОВ**

**(ЎзА) олган суратлар.**

# ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ РАВНАҚИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар айни кунларда қизғин паллага кирди. Жойларда номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари демократик жамиятга хос бир қизғинлик билан, ошкора ва ҳатто ўткир баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтмоқда. Номзодлар матбуот, телевидение ва радио имкониятларидан ҳам самарали фойдаланмоқдалар. Сайловчилар номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб, бу дастурларнинг ҳаётий асослари ва ижтимоий самарадорлик даражаларини мустақил ўй ва мушоҳадаларидан ўтказиб, ўз қарорларини шакллантирмоқдалар. Кимлар эртага кўп минг сонли сайловчилар номидан Олий Мажлис даргоҳида, маҳаллий Кенгашларда юксак ваколатли ўринларга эга бўлиши ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. Сайловолди марафонлари номзодларнинг ўзи учун ҳам масъулиятли ижтимоий-демократик синовга айланмоқда. Ҳатто айрим номзодлар ўз шахсий малакалари ва имкониятларини чуқур чамалаб кўриб, жиддий фикр ва ўйларга бориб, ниҳоят, халқ олдида туриб номзодларини қайтариб олиш тўғрисидаги қарорга келганликларини изҳор этаётганликларининг ўзи ана шу синовнинг куч-қудрати ва нафасини ўзида аён этмоқда. Бундай ҳолатларни ҳам табиий тушуниб, уни аксар ҳолларда номзодлар депутатлик ваколати ва бурчининг улкан масъулиятини ҳис қилишидан туғилган қарор деб баҳолашимиз ақлга мувофиқ бўлади. Аслида, бундай қадамларга ҳам жамиятимизда ижтимоий-сиёсий онглилик ўсаётганлигидан бир далолат деб қаралмоғи керак.

Сайловолди тадбирлари воқеа-ҳодисаларга бой, манзараси мураккаб бир жараён сифатида кўринмоқда. Бу жараёнда айрим депутатликка номзодларнинг дастурлари сайловчиларга ботмаётгани ҳам аниқ гап. Чунки бу дастурларда ҳамон эски ўлчамлар кўзга ташланади. Майда-чуйда ваъдаларни ўзида ифодалаган, катта ижтимоий-сиёсий мақсадлардан бебаҳра бўлган дастурлар ҳозирги кунда илғор тафаккурли замондошларимизни қониқтирмаслиги табиий. Шу билан бирга, сайловолди учрашувлари яна бир муҳим ҳақиқатни — халқимизнинг бугунги руҳий-сиёсий фаоллиги яққол ўсганлигини ҳам кўрсатяпти. Учрашувларда фикрлар хилма-хиллиги кучли намоён бўлаётганлиги, номзодларга берилаётган саволларнинг ўткирлиги ва долзарблиги, бўлажак депутатлар олдига қўйилаётган ижтимоий «буюртма»ларнинг салмоқли эканлиги, қолаверса, депутатликка номзодларнинг шахси ва уларнинг дастурига сайловчилар ўз муносабатларини очиқчасига, чуқур ҳаётий далилларга асосланган ҳолда баён этаётганликлари халқимизнинг бугунги савиясидаги ўзгача бир фаолликдан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги сайлов мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора чуқурлашаётган, кенг ижтимоий онгда мустақиллик тамойиллари мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда ўтаётганлигини кўрсатади.

Қолаверса, бугун сайловнинг яққол муқобиллик шароитида юз бераётганлигининг ўзи ҳам кўп нарсани англатади. Номзодлар рўйхатида ҳокимлик органларидан, мамлакатда фаолият олиб бораётган 5 та сиёсий партия томонидан ҳамда бевосита аҳолининг ўз ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган мустақил номзодлар борлиги, бунинг натижасида айрим сайлов округларида 5-7 тагача номзод бир депутатлик мандати учун кураш олиб боришига тўғри келаётганлиги ана шу муқобилликнинг қай даражада юксакликка кўтарилганлигини англатади. Шуни айтиш керакки, бундай сайловга биз мустақиллик туфайли эришдик. Буни, айниқса, халқимизнинг катта ёшли авлодлари ўз ҳаёт тажрибалари асосида ишонарли тасдиқлашлари мумкин. Чунки яқин ўтмишда улар муқобиллик табиатига мутлақо бегона, депутатлиги биринчи кунданоқ шак-шубҳасиз бўлган якка-ёлғиз номзодлар учун халқнинг овоз бериши «уюштирилган» сайловларни ҳам бошидан кечиришган. Улар собиқ сайловларда «овоз бериш» шунчаки сиёсий расмиятчиликдангина иборат бўлганлиги, сайловчи овози аслида ҳеч нарсани ҳал қилмаганлигини яхши эслайдилар... Бугунги сайловда номзодларнинг кенг муқобиллиги, бир қатор номзодлар орасидан энг муносиб одамни топиб, депутатликка сайлаш заруриятининг ўзи сайловчиларни эски ақидалардан воз кечиб, янгича фикрлашга, сайловга, кўрсатилган номзодларга нисбатан изланувчан онг, ақл-идрок, танловчан мушоҳада ва ўйлар билан ёндашишга беихтиёр олиб келмоқда. Бундай мустақил танлов имконияти халқимиз учун янгиликдир. Чунки ҳаёт ўзгарди, ижтимоий турмуш тарзимиз, тақдиримиз, мақсад ва манфаатларимиз ўзгарди. Ҳаётга, тараққиётга, жамият ва давлат тараққиётига чуқур шахсий манфаатдорлик назари билан қараш бугунги инсон маънавий қиёфасининг асосий фазилатларидан биридир.

Ҳозирги сайловлар жараёни бундан саккиз йил муқаддам биз танлаган мустақил демократик ривожланиш йўли шунчаки сўзда эмас, балки амалий жиҳатдан такомил топиб, жамиятни, онгни, маънавиятни тубдан ўзгартириб, янгилаётганини, халқимизнинг ўзгарган дунёқараши, мафкураси, мақсади ва интилишлари бу йўлнинг улуғ ғалабаларидан бири бўлиб қолаётганлигини исботламоқда.

Яна бир муҳим ҳақиқат шуки, мамлакатимизда ҳеч ким ўз ватани, давлати, ўз мустақиллигининг келажагига асло бефарқ эмас. Балки Ватан келажагига халқ алоҳида масъулият ва фидойилик билан ёндашмоқда. Ватан ва истиқлол келажаги ишончли қўлларда бўлиши ва юксак ишончли кишилар томонидан ҳаётимизнинг бошқарилишидан чуқур манфаатдордир. Бундай юксак ижтимоий-сиёсий манфаатдорлик мамлакат Президентлигига номзодларни рўйхатга олишда ҳам яна бир карра аниқ кўзга ташланди.

Маълумки, 2000 йилнинг 9 январи — Президент сайлови кунидир. Шу йил 25 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Президентликка номзодлар рўйхати бўйича қарорлари матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси томонидан республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ана шу партиянинг биринчи котиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Абдулҳафиз Марахимович Жалолов номзод этиб кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Президентликка номзодларни рўйхатга олишда ана шу икки партиянинг тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқди ҳамда бевосита номзодларнинг ўз розилигига асосланди. Шундай қилиб, республикамизда навбатдаги Президентлик сайлови ҳам муқобиллик асосида ўтадиган бўляпти, мана шу далилнинг ўзи демократия сари ҳаракатимизнинг яққол намунасидир. Қолаверса, давлатимизга раҳбарликнинг бу юксак лавозимига номзодларнинг ана шу танловида чуқур ҳаётий асослар бор ва бу танловда умумхалқ ирода ва интилишлари ўзининг яққол ифодасини топди. Она-Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришуви, шу йўлда ўтган 8 йил мобайнида эришилган бебаҳо ютуқлар, унинг халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқли ўринга ва юксак мавқега эришганлиги, мамлакатимизда янги давлат ва жамиятни барпо этишнинг чуқур илмий-назарий асослари ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши, дадил демократик ва иқтисодий ислоҳотлар бугунги кунда катта самара бераётганлиги бевосита бугун Президентликка қайта номзоди қўйилган Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номи ва жўшқин фаолияти билан боғлиқдир. Ислом Каримов — ҳозирги кунда халқаро миқёсда обрў-эътибор топган замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбобидир.

Абдулҳафиз Марахимович Жалолов ҳам сиёсий ва жамоат арбоби сифатида яхши маълум. У республикамизда салмоқли мавқега эга бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг биринчи котиби, айни пайтда илм-фан соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган файласуф олимдир.

Шундай қилиб, халқимиз мамлакатнинг келгуси тақдирига катта таъсир кўрсатадиган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар арафасида турибди. Биз, сайловчилар бу воқеаларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки унинг фаол, ҳал қилувчи иштирокчиларимиз. Бизнинг сайловларда фаол қатнашишимиз, онгли, ҳалол қалб, теран виждон билан Олий Мажлис депутатлигига ҳамда мамлакатимиз Президентлигига кўрсатилган номзодлар учун берадиган овозимиз истиқлол ғалабаларини мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига, келгусида унинг энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига қўшган юксак инсоний ва фуқаролик ҳиссамиз бўлади.

**М. САФАРОВ.**

